МУСТАМЛАКА ДАВРИДА ДИНИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Алимбобоева Сайёра Миргиязовна
“Пойтахтйўлкўкалам” давлат муассасаси ходими
https://doi.org/10.5281/zenodo.21343229

Аннотация. Ушбу мақолада мустамлака даврида диний бошқарув тизимининг жорий этилиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳамда маҳаллий аҳоли диний ҳаётига кўрсатган таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасида диний муассасалар, қозилик ва вакф тизими фаолиятини назорат қилишга қаратилган маъмурий-ҳуқуқий механизмлар ёритилган. Мақолада мустамлакачилик сиёсати доирасида диний бошқарувнинг марказлаштирилиши, маҳаллий уламоларнинг мавқеида юз берган ўзгаришлар ҳамда ушбу жараённинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: мустамлака, Туркистон, диний бошқарув, Россия империяси, қозилик, вакф, ислом, мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий бошқарув, диний муассасалар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган чоризм истилоси Ўрта Осиёдаги маънавий муҳит ва ислом дини қадриятларига тизимли равишда салбий таъсир кўрсатди. Россия империяси ҳудуднинг бойликларини ўзлаштириш билан бирга, аҳолининг маънавий ҳаётини ҳам тўлиқ назорат қилишни ва диний бошқарувни маҳаллий халқ қўлидан тортиб олишни мақсад қилган эди.

Мустамлакачилар бу тажрибани империянинг бошқа мусулмон ўлкаларида синаб кўрган эдилар. Хусусан, Уфа (1788 й.), Таврия (1831 й.) ва Кавказ орти (1872 й.) диний бошқармалари ташкил этилган бўлиб, Туркистон босиб олингач, бу ердаги диний ишлар ҳам дастлаб Оренбург диний бошқармаси назоратига берилди. Чор ҳукумати фақат ҳарбий куч билан ҳукмронликни сақлаб бўлмаслигини англагани учун, халқ бирдамлигининг бош омили бўлган исломнинг мавқеини заифлаштиришни бирламчи вазифа деб билди.

Кўплаб мустамлакачи амалдорлар ва зиёлилар (Н. Крижановский, С.М. Духовский, Н.И. Ильминский, Н.П. Остроумов ва бошқалар) миссионерлик ғоялари таъсирида мусулмонларни христианлаштириш пайида бўлдилар. Масалан, Оренбург генерал-губернатори Н. Крижановский 1867 йилги ҳисоботида исломни жиддий хавф сифатида тавсифлаган бўлса, тарихчи генерал-лейтенант М.І. Иванин Туркистонни "мусулмонлик ўчоғи" деб атаб, аҳолининг ғайридинларга муносабати фақат куч ишлатилгандагина ўзгариши мумкинлигини таъкидлаган.

Империя маҳаллий шароит ва халқ хоҳишини инобатга олмай, фақат ўз манфаатидан келиб чиқиб иш тутди. Бу сиёсатнинг фаол ижрочиси, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман (1867–1882 йй.) даврида кўплаб масжид ва мадрасалар бузиб ташланди ёки улардан ҳарбий омборхона ва отхона сифатида фойдаланилди. Бу ҳаракатлар босқинчиларнинг маҳаллий халқ устидан диний туйғуларни топташ орқали маънавий устунликка эришишга интилганини кўрсатади.

К.П. фон Кауфман Туркистонда илк даврлардан бошлаб ислом дини ва уламоларга қарши тизимли стратегия яратди. У диний чекловларни алоҳида эмас, балки ер-сув, солиқ ва таълим ислоҳотлари билан боғлаб, «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» лойиҳасига киритди.

Империя ўлкада ислом илдизлари жуда мустаҳкамлигини англаб етгач, асл мақсадларини яшириб, маҳаллий аҳоли ишларига «аралашмаслик» ниқоби остида пинҳона сиёсат юритишга ўтди. Кауфман халқнинг маънавий ва дунёвий билим даражасини билгани учун исломга ноиложликдан тоқат қилиш тактикасини танлади. У йирик исёнлардан хавфсираб, аҳолини мажбуран насронийлаштиришдан бош тортди ва бу жараённи шошилмасдан, босқичма-босқич амалга оширишни лозим топди.

Ашаддий миссионерларнинг зўравонлик усулларига қарши чиққан генерал, мусулмон халқларни ўз тарихий-маданий меросидан ҳамда вақф (диний муассасалар ихтиёридаги) мулкларидан маъмурий-ҳуқуқий чоралар орқали тизимли равишда маҳрум этиш йўлини танлади.

Ислом динига оид илк расмий ҳужжат — 1867 йилдаги «Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш ҳақидаги Низом» бўлди. Унинг 295-моддасига кўра, вақф мулклари ҳужжатлари тафтиш қилиниб, аҳолига «хирож» ва «таноб» солиқларини тўлаш мажбурияти юкланди. Диний байрамларни белгилаш уезд раҳбарларига топширилиб, диннинг сиёсий ва маъмурий ишларга таъсири чекланди.

Генерал-губернатор фон Кауфман мусулмонларни марказлашган диний идорага бўйсундиришни хоҳламади. Натижада 1880 йил 4 мартда Туркистон диний ишлари Оренбург бошқармаси назоратидан бутунлай ажратилди. Бундан мақсад — диний соҳани ҳам тўғридан-тўғри маҳаллий мустамлака маъмуриятига бўйсундириш ва жараёнларни ўлканинг ўзидан туриб назорат қилиш эди.

Кауфманнинг тўсатдан вафот этиши туфайли кўп ислоҳотлар чала қолди, бироқ у бошқарган йилларда ислом мавқеини заифлаштирувчи кескин чоралар кўрилди:

«Қозикалон» ва «шайх ул-ислом» каби нуфузли мансаблар тугатилди;

Қози ва имомларни сайлашнинг масжидлар билан алоқаси узилди;

Янги вақф идораларини тузиш тақиқланиб, эскиларининг кўпи қонуний деб тан олинмади.

1869 йил октябрда майор А.И. Гомзин бошчилигидаги махсус комиссия вақф ерларидан тушадиган маблағлар мактаб ва мадрасаларни таъминловчи бош манба эканини аниқлади. Кауфман ушбу маълумотлар асосидаги бошқарув лойиҳасини Ҳарбий вазирликка юборди, бироқ Санкт-Петербург расмийларининг кескин танқиди туфайли уни 1871 йилда қайтариб олишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг, 1871 йилнинг ўзида Кауфман генерал-майор И.Ф. Абрамов бошчилигида янги комиссия тузди. Бу комиссия Гомзин лойиҳасини тубдан қайта ишлаб чиқиб, Туркистондаги шариат судлари, ер-солиқ муносабатлари ва вақф мулклари тақдирини қамраб олувчи янги ҳужжат тайёрлади.

И.Ф. Абрамов лойиҳаси 1872 йил охирида тақдим этилди, бироқ марказ танқидидан сўнг 1873 йилда К.П. фон Кауфман раислигида янги комиссия тузилди. Ушбу янги лойиҳа ҳам Петербургдаги Молия ва Ташқи ишлар вазирликлари томонидан ер соҳасидаги «сиёсий хавфлар» сабабли рад этилди ва 1874 йилда қайтарилди.

Қизиғи, 1873 йилги лойиҳа тасдиқланмаса-да, амалда қўлланилаверди. Кауфман ҳужжатни 1881 йилгача такомиллаштириб марказга топширди, аммо Петербург чиновниклари «маҳаллий аҳолига кўп имтиёз берилган» деган баҳона билан уни яна рад этишди.

Кауфман вафотидан сўнг, генерал М.Г. Черняевнинг фармойиши билан 1884 йил январида маҳаллий зиёлилар ва уламолардан иборат комиссия тузилди. Унинг мақсади диний муассасалар ва вақф мулкларини тартибга солиш эди. Комиссия қонундан халқни камситувчи моддаларни чиқариб ташлашга эришди, бироқ кўп ўтмай марказ томонидан тарқатиб юборилди. 1886 йилга келиб, Петербургда диний

масалаларни ҳам тўлиқ қамраб олган умумий бошқарув Низоми якуний кўринишда қабул қилинди.

1898 йилдаги Андижон қўзғолони бостирилгач, янги раҳбар генерал С.М. Духовский мусулмонлар устидан назоратни кучайтириш учун Ҳарбий вазирга қуйидаги таклифларни киритди:

Мадрасалар фаолиятига давлат аралашувини янада кучайтириш;

Маҳаллий аҳоли жипслашишининг олдини олиш учун марказлашган диний бошқарма тузишга йўл қўймаслик;

Барча маҳаллий мактаб ва диний муассасаларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, маъмурият тасарруфига олиш;

Мусулмонларга империядаги яҳудийларга оид чекловларни жорий этиш: унга кўра, мударрис ва муаллимлар ҳар йили давлатдан пул тўлаб, фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишлари шарт эди.

Ашаддий миссионер И. Корольков аёллар ва болаларни рус ҳаёт тарзига мослаштириш режасини илгари сурди. Унинг фикрича, рус шифокор аёллари маҳаллий хотин-қизлар ҳаётига янгича интилишлар олиб кириши, улар билан яқин алоқа эса аёллар дилига христианлик тушунчаларини сингдириб, кейинчалик фарзанд тарбиясига ҳам таъсир кўрсатиши лозим эди.

Генерал Н.А. Иванов эса мавжуд диний низомлар империя манфаатларига хизмат қилмаслигини таъкидлаб, Туркистон учун алоҳида бошқарув тизимини яратишни таклиф этди. Ушбу тартиблар империяда яҳудийлар учун жорий этилган чекловчи қонунларга ўхшаш бўлиши керак эди.

1908 йил августда генерал-губернатор П.И. Мишченко раҳбарлигидаги махфий комиссия Туркистон мусулмонларини учта асосий йўналишга ажратди:

Панисломизм оқими: Ўлкани чор ҳукумати таъсиридан бутунлай озод қилиш;

Инқилобий оқим: Ҳукуматга қарши яширин кучлар;

Тараққийпарварлар (Жадидлар): Маърифатпарвар ислоҳотчилар қатлами.

Аҳоли ўртасида мустамлакачиликка қарши кайфият кучайиб бораётгани сабабли, комиссия маҳаллий таълим масканлари устидан давлат назоратини кескин кучайтирди.

XX аср бўсағасида шаклланган жадидчилик ҳаракати жамиятни илм-маърифат воситасида уйғотиб, миллий озодликка олиб чиқишни мақсад қилди. Бу эса мустамлакачи тизим режаларига зид эди.

Империя арбоби Н.И. Ильминский ўз хатида: «Зиёлилардан ва ўта билимли мударрислардан эҳтиёт бўлинглар... Айнан мана шу ўқимишли тоифани жиддийроқ кузатиш лозим», — дея жадидларнинг ҳукумат учун хавфли эканини таъкидлаган.

Чор маъмурлари «усули жадид» (янги усул) мактабларини тизим учун анча хавфли деб билдилар. Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг 1910 йилги ҳисоботида Поволжье, Қрим татарлари ва турк тарғиботчилари таъсирида маҳаллий зиёлилар анъанавий мактаблар ўрнига янги усулдаги мактабларни фаол тарғиб қилаётгани ҳақида хавотир билан баён этилган.

Янги усул мактабларида дунёвий фанлар ниқоби остида рус давлатчилигига зид «айирмачилик ва миллатчилик» ғоялари сингдирилаётгани ҳақидаги ҳисоботлардан сўнг, Россия Ички ишлар вазирлиги полиция департаменти Туркистон зиёлиларини жиддий кузатувга олди. Масжид, мадраса ва китоб дўконларида тинтувлар ўтказилиб, Боғчасарой ва Уфада чоп этилган илғор газета-журналларнинг ўлкага кириши тақиқланди.

Чор маъмурлари жадидчиликни «панисломизм» ва «пантуркизм» хавфи сифатида баҳолаб, уларнинг мактаб ва матбуотига душманлик қилди. 1908 йилда граф К.К. Пален комиссияси янги мактаблар ёшлар онгида мусулмон дунёсининг мавқеини тиклашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Натижада, татар педагоглари сиёсий

таъқибга учради. 1917 йил 12 январда генерал-губернатор А.В. Самсонов янги усул мактабларини очишни фақат маориф нозирларининг расмий рухсати билан амалга оширишни белгиловчи чекловчи низомни имзолади.

Миллий уйғонишдан ташвишга тушган подшо ҳукумати ҳар қандай ижтимоий уюшма ва хайрия жамиятларига махфий айғоқчиларни бириктирди. Андижон уезди раҳбари полковник И.А. Бржезинский буйруғи билан халқ орасидаги кайфиятни кузатиш учун маҳаллаларга махсус жосуслар қўйилди.

Бунинг оқибатида, 1916 йил октябрь бошида Андижонда яширин йиғилишлар ўтказаётган 20 нафарга яқин илғор ёшлардан иборат «Тараққийпарварлар» гуруҳи фош этилди. Андижонлик Мирза Аҳмад Қушбегиев генерал-губернаторликка ушбу жамиятнинг асл мақсадларини қуйидагича очиб берди:

Уюшма «ёш турклар» ҳаракатидан андоза олган ҳолда, халққа сиёсий ва ички эркинликлар беришни талаб қилмоқда;

Омма орасида таъсир ўтказиш учун сиёсий мақсадларни диний туйғулар билан уйғунлаштирмоқда;

Одамлар гавжуд жойларда тарғибот юритиб, мусулмонлар ўртасида оммабоп бўлган «Вақт» газетаси хабарларидан унумли фойдаланмоқда.

«Тараққийпарварлар»нинг халқ орасидаги обрўси ва таъсири тез суръатлар билан юксалиб бориши мустамлакачи маъмурларни жиддий ваҳимага солди.

Россия империясининг Туркистондаги диний стратегияси бир нечта ўзига хос босқичлардан иборат бўлди. Илк даврларда чор маъмурияти диний бошқарувни ўз тасарруфига олишга интилди. Давлат комиссиялари ислом таълимоти маҳаллий аҳоли турмуш тарзи билан чамбарчас боғланганини англаб, дастлаб кескин қарорлардан тийилдилар. Бироқ 1898 йилда дин намояндаси Дукчи эшон раҳбарлигидаги Андижон қўзғолони мустамлакачиларнинг юмшоқ тактикасини тубдан ўзгартирди.

Шундан сўнг империя сиёсати қаттиқ маъмурий тазйиқ, чеклов ва иқтисодий кучсизлантириш тусини олди. Бу репрессив чоралар қуйидагиларда намоён бўлди:

Диний маҳкамаларнинг асосий даромад манбаи бўлган вақф мулклари чекланди;

Уламолар фаолияти изчил таъқиб қилинди;

Анъанавий таълим тизими устидан давлат назорати ўрнатилди.

Чор ҳукумати рус тили мавқеини юксалтириш ва насронийликни ёйишни мақсад қилган бўлса-да, буни қисқа фурсатда амалга ошириб бўлмаслигини тушунарди. Шу сабабли маъмурлар аҳолини христианлаштириш ва рус маданиятига мослаштириш сиёсатини ошкора эмас, балки пинҳона ва эҳтиёткорлик билан юритишга мажбур бўлдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В. В. Туркистон мўғуллар босқини даврида. – Тошкент: Фан, 1990.
2. Лунин Б. В. История Туркестана в документах и материалах. – Ташкент: Фан, 1968.
3. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
4. Алимова Д. А., Рашидова Д. Р. Туркистон тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Университет, 2002.
5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
6. Бобобеков Ҳ. Туркистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
7. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996.